

ШАРТНОМА _____

Андижон шаҳри

2022 йил “ 24 ” феврал

Андижон вилоят Фтизиатрия ва пульмонология маркази номидан Низом асосида фаолият юритувчи бош шифокор Ф.Насритдинов (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) бир томондан ва Имрон Фирдавс ишонч МЧЖ номидан Устав (ишончнома) асосида фаолият юритувчи рахбари Ш.Джаббаров кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик томонлар деб аталади, ушбу Шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

I Шартнома предметн

1.1 Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунга қадар ҳар куни Буюртмачини миждозларнинг **Кир ювиш хизматини** ҳамда Ўзбекистан Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3 Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил “ ____ ” февралдан.

2022 йил “ 31 ” декабргача.

1.4 Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

II Томонларнинг ҳуқу қ ва мажбуриятларн

2.1 Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1.1 Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

2.1.2 Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жихатдан жихозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3 Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4 Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5 Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6 Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7 Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.2 Аутсорсер куйидагиларга мажбур:

2.2.1 Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жихозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, саклаши, носоз холга келганда уларни ўз хисобидан таъмирлаши, шунингдек, коммунал харажатларини коплаши;

2.2.2 Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнгин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария коидалари, нормалари ва гигиена нормативларига катъий риоя этиши;

2.2.3 Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4 Махфийлик тартибига катъий риоя қилиши;

2.2.5 Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

2.2.6 Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;

2.2.7 Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши;

2.2.8 Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария коидаларига жавоб бермаслиги аниқданганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

2.2.9 Малакали, тажрибали, куйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши;

2.2.10 Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ коидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши;

2.2.11 Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12 Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жихозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

2.2.13 Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.14 Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

2.2.15 Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.2.16 Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3 Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1 Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (базарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2 Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг базарилишини назорат қилиш;

2.3.3 Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огохлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш;

2.3.4 Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.4 Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

2.4.1 Базарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши;

2.4.2 Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини базариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

2.4.3 Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

III Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи **30 000000 сўм** (Ўттиз миллион) сўмни ташкил этади.

3.2 Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб- китоблар базарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

2.3 Кўрсатиладиган хизматлар ҳисоб-китоби шартнома ойлик суммасининг 30 фоизи миқдорида олдиндан, 70 фоизи ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар суммасидан келиб чиқиб ҳар 10 кунда, якуний ҳисоб-китоб эса кегинги ойнинг 5-санасига қадар амалга оширилади.

2.4 Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган базарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортик; бўлмаган миқдорда тўланади.

2.5 Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади.

IV Томонларнинг мажбуриятлари

4.1 Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида базармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг базарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2 Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.3 Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.4 Буюртмачига ҳар чоракда бир маротаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

4.5 Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда булган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

V Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

5.1 Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2 Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

VI Форс-мажор қолатлар

6.1 Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга сурилади.

VII Яқунловчи қоидалар



7.1 Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.2 Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.


7.3 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг хар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади. **VIII Шартноманинг амал қилиш муддати**

8.1 Ушбу Шартнома имзоланган пайтдан кучга кирази ва бир календарь йили давомида ёки муддатидан олдин бекор қилингунига қадар амал қилади.


IX Томонларнинг манзили ва банк реквизитларн

“Аутсорсер”	“Буюртмачи”
<p>Имрон Фирдавс ишонч МЧЖ Манзил: Андижон шах Минаввархожи 11 Х/Р: 20208000905248215001 Банк: АНДИЖОН Ш., "ИПОТЕКА-БАНК" АТИБ АНДИЖОН ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ МФО: 00059 ИИН: 307536989 Рахбар: Ш.Джаббаров</p> 	<p>Андижон вилоят Фтизиатрия ва пульмонология маркази Андижон вилояти Асака туман янгисор кўчаси 345 уй Шх/р: 400321860032247073201054001 ИНН 200 237 514 ОКОНХ 91513 Ўзб. Республикаси Молия вазирлиги х/р: 2340200300100001010 Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси МФО: 00014 ИИН: 201122919 Бош шифокор:  Ф.Насритдинов</p>

Тўридан:







" 24 " февраль 2022 йил кунги
сонли шартномага
1 - илова

Шартноманинг прогноз суммаси

т/р	ойлар	ойдаги кунлар сони	ўлчов бирлиги	хизмат бирлиги учун нарх (сўм)	хизмат бирлик-лари сони	жами суммас ҚҚС сиз (сўм)	ҚҚС _____%	Жами сумма ҚҚС билан
1	Январ	31	хизмат кўрсатиш					
2	Феврал	28	хизмат кўрсатиш	10000	1500	15000000		15000000
3	Март	31	хизмат кўрсатиш	10000	1500	15000000		15000000
4	Апрел	30	хизмат кўрсатиш					
5	Май	31	хизмат кўрсатиш					
6	Июн	30	хизмат кўрсатиш					
7	Июл	31	хизмат кўрсатиш					
8	Август	31	хизмат кўрсатиш					
9	Сентябр	30	хизмат кўрсатиш					
10	Октябр	31	хизмат кўрсатиш					
11	Ноябр	30	хизмат кўрсатиш					
12	Декабр	31	хизмат кўрсатиш					
Шартноманинг жами суммаси					3000	30000000		30000000

Андижон вилоят Фтизиатрия ва
пудьмонология маркази
бонд шифокори
Ф.Насритдинов

Имрон Фирдавс ишонч МЧЖ
раҳбари
Ш.Джаббаров

